

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЛМАТОВ БАХРАМ ГУЛЯМОВИЧ

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА
ЎҚИТИШДА CEFR МЕЗОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Кулматов Бахрам Гулямович

Инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда

CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини

такомиллаштириш 3

Кулматов Бахрам Гулямович

Совершенствование теоретических основ использования критериев

CEFR в преподавании английского языка с применением

инновационных технологий 21

Kulmatov Bakhrom Gulyamovich

Improving the theoretical base of implementing CEFR in teaching

English using innovative technologies 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЛМАТОВ БАХРАМ ГУЛЯМОВИЧ

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА
ЎҚИТИШДА CEFR МЕЗОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2017.2.PhD/Ped149 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.uswlu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бакиева Гуландом Хисамовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ризаев Баходир Хайдарович
филология фанлари доктори, профессор

Мисиров Соҳибжон Абдупаттаевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Д.У.Хашимова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор

Н.Ж.Исакулова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, пед.ф.д., доцент

Л.Т.Ахмедова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, пед.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда хорижий тилларни ўқитишда халқаро стандартларни қўллаш, ўқитиш мазмунини модернизациялаштириш, касбий таълимда замонавий технологиялардан фойдаланишнинг хусусий масалалари, ўқитувчининг касбий компетенцияларини ривожлантиришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Европада хорижий тиллар бўйича касбий компетенцияларни ривожлантириш, компетенциялар интеграцияси, стандарт талаблари ва ўқув дастурлари орасида уйғунликни шакллантириш, ишлаб чиқилган критерияларни бошқа хорижий тилларни ўрганишда қўлланиладиган стратегияларни мувофиқлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Лондон Метрополитен университетида blended learning, Каен университетида, Фрайсбург педагогика университетида, Украина давлат университетида, Лондондаги Астон университетида модул кредит тизими бўйича чет тили ўқитиш тизими дарсларни талабага йўналтирилган тарзда олиб бориш, ўқитувчи фасилитатор сифатида дарсни ташкил этиш, кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш, тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда дарс ўтиш, коммуникатив компетенцияни ривожлантириш, мустақил ишлашга йўналтириш, вазифалар реал ҳаётга боғлиқ бўлиш ҳамда аутентик материалларни қўллашга қаратилгани алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан компетенциявий ёндашув асосида инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда халқаро стандартлар талаби бўлган мазмунга асосланган ўқитиш, топшириққа асосланган ўқитиш ва лойиҳага асосланган ўқитиш (Content based instructions, Task Based instructions, Project based learning) методларидан фойдаланиш заруриятини изоҳлайди.

Бундан буён ҳам инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш масаласига устувор аҳамият қаратилади. Шу билан бирга, зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бунда талабалар касбий компетентлига ва касбий фаолиятни олиб боришдаги мезонлар – «Can do's» кўрсатиш, асослаб бериш, инновацион технологиялар ёрдамида инглиз тилини ўқитишда CEFR тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 май «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сон қарори,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Правда востока, 2017 йил 23 декабрь. – № 248 (28706). – Б. 2.

2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1875-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда Ж.Жалолов, Г.Боқиева, Т.Сагторов, Г.Т.Махкамова, Л.А.Ахмедова, У.Хошимов, И.Ёқубов, С.Мусинов, Л.Киркхам, М.Т.Ирискулов, Ф.Рашидоваларнинг тадқиқотларида хорижий тилларни ўқитиш методикасига оид муаммолар атрофлича ёритилган².

Коммуникатив нутқ тизимининг назарий масалаларини тадқиқ қилиш, CEFR ҳужжати, ҳар бир босқич учун методик қўлланмалар яратишнинг назарий жиҳатларини Д.Косте, Б.Норт, Ж.Трим, М.Канэл ва Н.Свейнлар ишлаб чиқдилар³.

Чет тилларини ўрганишда ўқув-услубий мажмуаларнинг роли ва Европа тил портфелини Д.Ж.Трим, Н.Сэвил, М.Миланович, Н.Джоунз, Н.Халифа ва бошқа тадқиқотчилар ўрганганлар⁴.

IELTS, TOEFL, Cambridge ESOL имтиҳонлар талабларини CEFR критерияларига мослаштиришнинг назарий ва амалий-услубий масалаларини

² Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2012. – 432 б.; Бақиева Г., Махкамова Г., Кулдошев А. English 3. – Ташкент, 2007.; Jalolov J., Makhkamova G., Ashurov Sh. English language teaching methodology (theory and practice). – Т.: Фан ва технология, 2015. – 336 б.; Kirkham L., Iriskulov A., Rashidova F. A Handbook for Teachers of Foreign Languages with reference to the CEFR. – Tashkent, 2014. – 3 p., – 32; Рашидова Ф.М. Совершенствование концептуально-методических основ внедрения CEFR с систему непрерывного образования Узбекистана (на примере английского языка). Дисс. ... док.пед.наук. – Т.: 2017. – С.309; Р.Абдуллаева А.Б., Мирсодиқова Д.Р., Абдуллаева С.Ё., Носиров Д.П. Deutsch 2. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги МНУ, 2008. – 22 б., Абдушукурова Л.А., Абулхамова Р.Р., Айтуганова З.А., Ибрагимов Х. Français 3e. – Тошкент, 2007.; Дадаходжаева М.С., Новикова С.Д., Зияева С.А. Deutsch I. – Ташкент: Ғ.Ғулом номидаги МНУ, 2007. – 208 б.;

³ Cost D., North B., Trim J. Common European Framework of Reference for Languages: Learning, Teaching-Assessment. Language Policy Unit // Council of Europe. Chapter 6. – Strasbourg, 2001. Электрон ресур: http://www.coe.int/A/dg4/Linguistic/Source/CECR_EN.pdf. Мурожаат санаси: 5.05.2018.

⁴ Anne Brit Fenner, David Newby. Coherence of principles, cohesion of competences: exploring theories and designing materials for teacher education. European centre for modern languages. Council of Europe publishing. Электрон ресур: <http://book.coe.int> Council of Europe Publishing F-67075Strasbourg Cedex. ISBN- 10: 92-871-6145-3 ISBN- 13: 978-92-871-6145-1 © Council of Europe. December 2006; Yasuo Nakatani. Exploring the Implementation of the CEFR in Asian contexts: focus on communication strategies. Procedia - Social and Behavioral Sciences 46 (2012) 771 – 775. 1877-0428 © 2012 Published by Elsevier Ltd.; The European Language Portfolio: a guide for teachers and teacher trainers David Little. Radka Perclova, 2001. – 109 p Available online: <https://www.coc.int/CoERMPublicCommonSearchServices/DisplayDCTMContentdocumentId-0900001680459fa6> 5Cambridge CSOL / Research Notes: Issue УТ- August 2009 Available online: <http://www.cambridgeenglish.org/images/2.156-research-notes-37.pdf>

Н.Сэвилл, Яр.Хоки, Б.Сполски, Д.Стивелсон, П.Стори, Н.Фигеряс, Б.Норт, С.Такала, Н.Верхелст, П. Ван Аверметлар таҳлил қилганлар⁵.

Дискурс материални CEFRга мослаштириш ва шу асосида инглиз тили портфелини яратишни А.Саламура, Н.Сэвилл, Х.Халифа ва С.Уейрларнинг изланишлари ҳамда Б.Норт, Г.Шнайдер, Ф.Кафтанджиева ва С.Шоу ўрганувчиларнинг инглиз тилини эгаллаганлик даражасини турли фаолият турлари бўйича баҳолаш, миқдорий ва сифат характеристикаси бўйича статистик ва миқдорий таҳлилни ўрганганлар⁶.

Элиф Кир, Айфер Сўлў, Ф.Ибрагимова, Г.Э.Кочарян, Л.Милком, Б.Фарберман, С.Д.Каримбеков, Дэвид Капэруччи, Элизабет Гуэрин, Ф.Ибрагимова, С.А.Каримбеков ва бошқаларнинг изланишларида ўқитиш жараёнини ташкил этиш менежменти, баҳолаш тизими, рейтинг тизимидан фойдаланиш, жорий, оралик ва якуний баҳолашни ташкиллаштириш, ўқитишнинг сифати ва уни баҳолаш масалаларига ўрин берилган⁷.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR тизимидан фойдаланишни назарий жиҳатдан асослаб бериш;

⁵ Saville N., Hawkey R., The IELTS Impact study: investigating washback on teaching materials / Living Cheng, w'atanabe Y (Eds) Washback in Language Testing: Research Contexts and Methods. -New Jersey Lawrence Erlbaum Associates, 2004; Igueras N., North B., Takala S., Verhelst N., Van Avermaet P. Relating examinations to the Common European Framework: A manual // Language Policy Division. – Strasbourg: Council of Europe, 2004. – 200 p. Available online: https://www.coe.int/t/dg4/linguistic/Source/ManualRevision*proorread-FINAL_en.pdf. Мурожаат санаси: 6.05.2018.

⁶ Salamoura A., Seville N. Criteria features across the CEFR levels: Evidence from the English Profile Programme Research Notes. – Cambridge: Cambridge ESOL, 2009. – № 37. – P. 34., Kaftanjiyeva F. Standard setting. Section B. Reference Supplement to the Preliminary Pilot version of the Manual for Relating Language examinations to the Common European framework of Reference for Languages, learning, teaching, assessment. - Strasbourg: Council of Europe, 2004. Available online: www.coe.intA/dg4/linguistic/Manuel I_EN.asp. Мурожаат санаси: 7.05.2018.; Khalifa H., Weir C. Examining Reading: research and practice in assessing second language reading. Studies in Language Testing volume 29. – Cambridge: UCLES/Cambridge University Press, 2009.; Shaw S., Weir C. Examining second language writing: research and practice // Studies in Language Testing. – Cambridge: UCLES/Cambridge University Press, 2007. – V.26.

⁷ Elif Kir, Ayfer Sülü. Language teachers' views on CEFR. International Online Journal of Education and Teaching (IOJET) 2014. – № 1(5). – P. 358-364.; Кочарян Г.Э. Развитие методической компетентности преподаватели среднего профессиональной учебного колониям условиях последипломного образования: дисс. кад.пед. наук. – Севастополь, 2004. – 179 с.; Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма современного образования // Интернет-журнал. 2006 год 5 мая.; Ибрагимова Ф. Развитие профессиональных способностей будущих учителей английского языка // Сборник научно-методических статей. – Ташкент, 2010.; Каримбеков С.Д. Интеграционные процессы в развитии системы высшего образования в Узбекистане: дисс. док. пел.наук. – Ташкент, 2010.; Innovative European approaches for In-service and pre-service english language teachers in Primary education theory and practice edited by Davide Capperucci and Elizabeth Guerin. – Copyright 2017.

талабаларда лингвистик, социолингвистик, прагматик ва стратегик компетенциялари коммуникатив ёндашув доирасида ривожлантириш йўлларини ўрганиш;

тил кўникмалари интеграцияси бўйича халқаро стандарт мезонлари асосида инглиз тилини ўқитишнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш;

мустақил таълимни ривожлантириш асосида инновацион технологияларни қўллашнинг методик таъминотини таҳлил қилиш;

инглиз тилини ўқитиш ва баҳолаш узвийлигини таъминлаш бўйича коммуникатив компетенцияга асосланган баҳолашнинг инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш;

инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR тизимидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш ҳамда махсус тизимли машқлар тўпламини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR тизимидан фойдаланиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR тизимидан фойдаланиш мазмуни, шакл, воситалари ва лингводидактик, психологик омиллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазибаларнинг ечимини топиш учун педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, педагогик мониторинг, сўровнома, математик-статистик таҳлил қилиш ва умумлаштириш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг лингвистик, социолингвистик, прагматик ва стратегик компетенцияларини коммуникатив ривожланишини йўналтириш (guided) ва назоратга олиш (controlled) орқали такомиллаштирилган;

тил кўникмалари интеграцияси бўйича халқаро стандарт мезонлари асосида инглиз тилини ўқитишнинг дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

мустақил таълимни ривожлантириш асосида инновацион технологияларни қўллашнинг методик таъминоти такомиллаштирилган;

инглиз тилини ўқитиш ва баҳолаш узвийлигини таъминлаш бўйича коммуникатив компетенцияга асосланган баҳолашнинг инновацион таълим технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR тизимидан фойдаланишнинг услуб ва усуллари, машқлар тизими ишлаб чиқилган ҳамда ташкилий-методик таъминоти яратилган;

«English grammar exercises (with keys for self-study)» рисола нашр этилган ва амалиётга жорий этилган;

инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR тизимидан фойдаланишнинг дидактик таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги, инглиз тилини инновацион

технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR тизимидан фойдаланишнинг лингвистик, психологик ва дидактик омиллар асосида ёритилганлиги, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR тизимидан фойдаланишнинг педагогик, дидактик, психологик омиллари амалий ва назарий компетенциялар бўйича таҳлил этилганлиги, талабаларда лингвистик, социолингвистик, прагматик ва стратегик компетенциялари коммуникатив ёндашув доирасида ривожлантириш йўллари ва мустақил таълимни ривожлантириш асосида инновацион технологияларни қўллашнинг методик таъминоти такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Мазкур тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган тил кўникмалари интеграцияси бўйича халқаро стандарт мезонлари асосида инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR тизимидан фойдаланишнинг услуб ва усуллари, машқлар тизими, методик ва дидактик таъминоти ҳамда тадқиқот материалларидан ўқитувчилар малакасини ошириш курсларидаги назарий ва амалий машғулотларида ва шу соҳа бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR тизимидан фойдаланиш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий натижалар асосида:

талабаларнинг лингвистик, социолингвистик, прагматик ва стратегик компетенциялари йўналтириш (guided) ва назоратга олиш (controlled) орқали такомиллаштирилган коммуникатив ривожланишидан 5111400 – хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши бакалавриати ва 5А 111401 – хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) магистратура мутахассислигининг ДТСни ишлаб чиқишда фойдаланилган (O'zstandart agentligi Ўзбекистон стандартлаштириш метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 3 майдаги 05/2352-сон маълумотномаси). Натижада фан мазмунига қўйиладиган талаблар, йўналишнинг намунавий ўқув режаси, ишчи ўқув режа, фаннинг намунавий дастури, фаннинг ишчи дастури, фан бўйича ўқув-услугий мажмуа каби ҳужжатлари мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

тил кўникмалари интеграцияси бўйича халқаро стандарт мезонлари асосида инглиз тилини ўқитишнинг ишлаб чиқилган дидактик таъминотидан 2017-2018 йилларга мўлжаллаган А-1-219. «Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-

услугий мажмуа яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 майдаги 89-03-1686-сон маълумотномаси). Натижада «Reading», «Writing», «Listening» ўқув қўлланмалар мавзуларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

мустақил таълимни ривожлантириш асосида инновацион технологияларни қўллашнинг такомиллаштирилган методик таъминотидан «Dunyo bo'ylab» телеканалида шу йилнинг 10-февраль куни эфирга узатилган «Турфа олам» дастурида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Дунё бўйлаб» телеканали давлат унитар корхонасининг 2018 йил 20 апрелдаги 08-14-219-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг инглиз тилидаги мустақил ишларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

инглиз тилини ўқитиш ва баҳолаш узвийлигини таъминлаш бўйича коммуникатив компетенцияга асосланган ишлаб чиқилган баҳолашнинг инновацион таълим технологияларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Бедорлик» радиоэшиттиришининг 2018 йил 21-апрель кунидаги сонидан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2018 йил 4 майдаги 04-25-697-сон маълумотномаси). Натижада инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR тизимидан фойдаланиш ташкилий-методик таъминоти оммалаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий-услугий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 209 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган бўлиб, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан биргаликда диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган

натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида хорижий тил таълимида инновацион технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш ҳолати ҳамда Умумевропа Иттифоқи CEFR хужжатида коммуникатив компетенциялар тавсифи ёритилган.

Таълим технологиялари тушунчасининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши масаласи таҳлили мазкур тушунчанинг ўз ичига «таълим жараёнида техник воситаларини қўллаш ҳақидаги маълумот» дан «таълим жараёнини тизимли ва изчил ташкил этиш ҳақидаги таълимот» деган нуқтаи назаргача қамраб оладиган турли қараш, ғоя, фикрларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлишини ифодалайди⁸.

Педагогик технологияларнинг таълим жараёнига кириб келиши билан бирга уларнинг мавқеи, таълим жараёнидаги ўрни ва аҳамияти каби масалалар инновацион технологиялар фан ва амалиёт ўртасидаги оралик позицияни эгаллашига имкон беради (1-расмга қаранг):



1-расм. Инновацион технологияларни фан ва амалиёт билан боғлиқлиги

Педагогик технологияни жорий этиш тажрибасини ўрганиш ва унга ижодий ёндашиш, ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш таълим олувчи пассив объектдан фаол субъектга айлантириш, билим фаолиятининг аниқ мақсадларга йўналганлигини ҳамда ўқув жараёнини ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчанлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хорижий тилларни ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш тизимини мукамаллаштириш бўйича тадқиқотлар Европа Иттифоқининг тегишли идора ва муассасалари, жаҳоннинг етакчи университетлари, ЮНЕСКО каби илмий-тадқиқот марказларида амалга оширилади, жумладан, инглиз тилини, ўқитиш ва ўрганиш стратегияларини ишлаб чиқиш, инглиз тилининг глобал тил сифатидаги мавқеи ва уни академик, касбий ва мулоқот мақсадларида ўрганишга алоқадор масалалар, касбий таракқиёт бўйича Австралия халқаро ташкилоти (Австралия), Кембриж Университети (Буюк Британия), Британия кенгаши (Буюк Британия), British Association of lecturers in English for

⁸ Расулов Х. Миллий ва глобал таълим тенденциялари // Замонавий таълим. – Тошкент, 2015. – № 4. – Б. 22-16.; Арипова М.Л. Чет тили ўқитишда ўқитувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш // Замонавий таълим. – Тошкент, 2015. – № 1. – Б. 51-56.; Холмухаммедов М.М. Ўрта-махсус, касб хунар таълими тизими ўқитувчисининг педагогик компетенцияларини шакллантириш // Замонавий таълим. – Тошкент, 2015. – № 2. – Б. 46-52.; American quilt: A reference book on American Culture Oxford, OUP, 2014. – 760 p.

academic purposes (Буюк Британия), The European association for quality language service (Буюк Британия), The National Council for Accreditation of teacher education (АҚШ), Массачусетс Технология Университети (АҚШ), Вирджиния Университети (АҚШ), Москва давлат лингвистика университети (Россия Федерацияси) ва жаҳоннинг бошқа номдор ва етакчи ОТМ ларида тадқиқ қилинади⁹.

Америка Қўшма Штатларидаги Миллий тренинг марказининг маълумотларида инновацион технология, яъни интерфаол услуб талаба онгига, туйғусига, иродасига таъсир кўрсатиб, тафаккурини ошириши ифодаланган. Амалиётда методист-ўқитувчилар томонидан «Ақлий ҳужум», «Таянч сигналлар», «Муз ёрар», «Кичик гуруҳда ишлаш», «Зигзаг», «Кубик», «Кимсасиз оролда», «Донишмандлар бисоти», «Ёзма баҳслар», «Ажурли арра», «бхбхб», «Ролли ўйинлар», «Баҳс мунозара», «Дебатлар», «Саргузашт саёҳат» каби интерфаол услублардан фойдаланишлари маълум бўлди. Интерфаол таълимда талаба фаолияти куйидагилардан иборат (2-расмга қаранг):



2-расм. Интерфаол таълимда талаба фаолияти

Инглиз тил дарсларида талабаларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш таълимнинг метод ва усуллари тўғри танлай олиш билан чамбарчас боғлиқлиги хорижий тилларни эгаллашга бўлган қизиқишни кучайтириш ҳамда тил ўрганишда мустақил таълимни тўғри ташкил этишни тақозо қилади (1-жадвалга қаранг):

⁹ <http://www.edu.uz>; britishcouncil.org; internauka.ru; micros.uz; actastudenta.org; educationusa.info; ва бошқалар.

Бўлажак ўқитувчиларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш ҳолати

№	Тадқиқотчилар	Тадқиқотчиларнинг қарашлари
1.	К.Е.Кагорян, Г.И.Багирова, Д.М.Кравчук, В.Л.Смельяненко, Р.А.Корекле, Р.Давлетова	талаба лингвистик компетенцияларини шакллантиришда тафаккур қобилиятини ривожлантириш
		лингвистик компетенцияларни шакллантириш талабалар тафаккур қобилияти ва фанга бўлган ижобий муносабатини шакллантириш хамда ривожлантириш
2.	П.П.Есипов	дарс жараёнида талабалар ақлий фаолиятининг доимо кучайиб бориши билимларни таҳлил қила олиш, кўникма ва малакасининг шакллантириш
3.	Т.И.Шамова	компетенциялар бу билимларни эгаллашга интилиш ва қўйилган мақсадга эришиш учун фаолият усулларини ишга солиш
4.	И.Т.Огородников, И.И.Родак, Г.М.Муртазин	чет тилини эгаллаганлик компетенцияларини шакллантириш ўқув материалга нисбатан талабаларнинг иродавий кучларини ва эмоционал муносабатда бўлиш
5.	Г.А.Ганилин, А.И.Горбунов, Б.П.Есипов, М.И.Махмутов, М.Н.Скаткин, Т.И.Шамова, Г.И.Щучкина, А.Умархўжаев	лингвистик компетенцияларини эгаллашнинг мақсади билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган
6.	Е.П.Бурунов, Л.П.Аристова	лингвистик компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиши керак
7.	М.Н.Скаткин	тилни эгаллаганлик компетенциясида деганда, таълим олувчиларнинг фикрлаш фаолиятини тушуниш лозим

«Мулоқот учун замонавий тилларни ўрганиш ва ўқитиш» (Learning and teaching modern languages for communication)» лойиҳасида мулоқотга асосланган интеграллашган ёндашув ғояси илгари сурилган. Унда асосий эътибор унинг Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Испания ва бошқа Ғарбий Европа мамлакатларида хорижий тилларни ўқитиш бўйича тизимли равишда олиб борилган назарий изланишлар, амалий тажрибалар ва ундаги ўқув машғулотларини ташкил қилишнинг асосий йўналишлари мулоқот воситаси сифатида ўқитишда қўлланиладиган материаллар ўрганиб чиқилиб, тилни базавий (бошланғич) даражада ўрганишнинг қуйидаги уч босқичи аниқлаб олинди:

1. Яшаб қолиш учун билим даражаси (survival level).
2. Тил томон интилиш, қадам ташлаш босқичи (waystage level).
3. Тил бўсағаси босқичи (threshold level).

«Language learning for European citizenship» ёки «Европа мамлакатлари фукароси бўлиш учун тилни ўрганиш» дастурининг асосий мақсади Европаликларга эркин мулоқот имконини яратиш, тил тўсиқларини олиб ташлаш, ўзаро бир-бирини тушунишга эришишдан иборат. Ҳар иккала босқич мукамал, батафсил ишлаб чиқилган ҳолда таълимнинг муайян бир даври учун режалаштирилаётган модели сифатида намоён бўлади. Бунда эса хорижий тилларни самарадор мулоқот воситаси сифатида эгаллашни таъминлаш кўзда тутилади. Ҳар икки босқичнинг инглиз тили вариантида Д.Литтл асосий компонент сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатади¹⁰:

1. Мулоқотнинг муайян вазиятлари.
2. Тилнинг функциялари ва улар воқеланишининг энг муқобил вариантлари.
3. Умумий маъноларни билдириш ва ифодалаш воситалари.
4. Лексико-семантик маъно гуруҳларида қўлланадиган ифода воситалари.
5. Нутқий мулоқот намуналари.
6. Матн, аудитив, босма ва ёзма материалларнинг турларини ва маълумот олса бўладиган, ўрганувчи идрок қила оладиган даражадаги ахборот манбалари.
7. Ижтимоий-маданий контекстда муайян нарсаларни билиш ва кўникмалари тақозо этадиган материаллар.
8. Хорижий тилларни эгаллаганлик ҳолатида дуч келинган камчиликларни бартараф қилиш учун ўрганувчига зарур бўладиган кўникмалар.
9. Тил ўрганувчига нутқ фаолиятининг барча шаклларида, турли манбалар билан ишлаганда, мустақил ишлаганда ва ўзини баҳолаш жараёнида зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар.

Диссертациянинг «**Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларини инглиз тилида ўқитишни CEFR мезонлари асосида шакллантиришнинг шакл ва методлари**» деб номланган иккинчи бобида талабалар лингвистик компетенцияларини шакллантириш меъёрий-услубий таъминоти, инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR мезонларига компетенциявий ёндашув ҳамда хорижий тилни ўқитишнинг самарадорлик диагностикаси ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида хорижий тилларни ўқитишни мукамаллаштириш соҳасида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши чет тилларини ўқитиш тизимини тубдан ўзлаштириш имконини берди. Хорижий тилларни ўқитишда инновацион таълим технологияларни қўллаш, турли янги фаолият турларидан фойдаланиш чет тилларини ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишда меъёрий-услубий таъминотини шакллантиришни тақозо қилади. Мазкур таъминот хорижий тилларни ўқитишга масъул барча мутахассисларга олий таълимда инглиз тили

¹⁰ The Common European Framework of Reference for Languages: Content, purpose, origin, reception and impact David Little Trinity College, Dublin, Ireland dlittle@tcd.ie Lang. Teach. 39–pp.167–190. p.171

фанларининг фаолиятини тўғри шакллантиришга, турли характердаги учрайдиган ҳолат ва муаммоларининг олдини олишга, ўқитиш жараёнининг турли шакл ва услубларини ўзлаштириш имконини беради. Инглиз тили фанларининг ўқитилиш интерфаол методларнинг лойиҳалаштиришни талаб қилади (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

Инглиз тили фанларининг ўқитилиш ҳолати

№	Босқичлар	Фан номи	Фан номи (инглиз тилида)	Соат	
				Ауд.	Муст.
1.	1-босқич	Тил кўникмалари интеграцияси	Integrated skills	152	92
2.	2-босқич	Чет тили ўқитишнинг интеграллашган курси	Language learning	38	26
			Teaching language systems for communication; Approaches to language teaching	38	26
3.	3-босқич	Чет тили ўқитишнинг интеграллашган курси	Teaching and integrating language skills	76	18
			Materials design and evaluation	38	19
			Lesson planning	38	19
			Classroom language	30	27
		Хорижий тилини ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш	Developing intercultural competence	38	20
			English as an international language	38	20
4.	4-босқич	Чет тили ўқитишнинг интеграллашган курси	Language testing and assessment	26	22
			Teaching different age groups	26	22
			Teaching english to young learners	24	21
			English for specific purposes	24	20

Таълим дастурларида лингвистик компетенцияни шакллантиришга йўналтирилган амаллар қуйидаги тизим шаклида бажаришни тақозо қилади (3-расмга қаранг):



3-расм. Лингвистик компетенция тизими

Европа кенгаши чет тили бўйича томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларда чет тили бўйича компетенцияларнинг қуйидаги турлари мавжуд (4-расмга қаранг):



4-расм. Чет тили бўйича Европа компетенцияси

Чет тилини ўқитиш самарадорлигини аниқлашнинг тартиби, босқичлари, назорат ва баҳолаш методикаси, натижаларини таҳлил қилиш ва якуний хулосалар ишлаб чиқиш босқичлари талаба томонидан муайян бир модул ёки мавзу бўйича ўзлаштирилганлик даражасини белгиловчи баҳо, модул ёки мавзунини эгаллаш учун сарф этилган билим, кўникма ва малакаларининг фактик ҳажми аниқланиб олишни талаб қилади. Хорижий тилларни ўқитишнинг самарадорлигини аниқлашда математик моделлар ёрдамида миқдорий параметрларини ўрганиб чиқиш ўқитиш жараёнининг қай даражада самарали ташкил этилганлиги ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари ёритилган.

Илмий-тадқиқотда ЎзДЖТУ, СамДЧТИ, Навоий ДПИ, ТерДУ талабаларининг инглиз тилида гапириш, тушуниш, ўқиш ва ёзув малакаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ўтказилди. Илмий изланишлар давомида назарий муаммоларни ҳал қилиш билан бир қаторда тажриба-синов ўтказиш орқали янги ўзлаштирилган лексик бирликлар материалида коммуникатив малакаларни такомиллаштириш машқлари қўлланиладиган инновацион технологиялар самарадорлигини аниқлаш белгиланди. Чет тилини ўрганишда тажриба-синов методининг ўзига хос хусусиятлари у орқали таълимнинг сифат кўрсаткичларини оширишга эришиш мумкинлиги кўрсатилади.

Тадқиқот материали сифатида назарий ва амалий манбалар, мавжуд чет тили дарсликлари, қўлланмалар ҳамда инглизча-ўзбекча, матнлар танлаб олинди. Ушбу ишда тадқиқот материалларни таҳлил қилиш учун математик статистик методлардан фойдаланилди. Таклиф қилинган ўқитиш услубиёти самарадорлиги тажриба-синовдан 2014-2015, 2015-2016 ҳамда 2016-2017


ўқув йилларида ЎзДЖТУда – 310 нафар талаба, СамДЧТИда – 284 нафар талаба, Навоий ПИда – 284 нафар талаба ва ТерДУда – 288 нафар талаба иштирокида ўтказилди (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал.

Тажриба-синовда иштирок этган олий таълим муассасалари

ОТМ	Тажриба гуруҳи (2014-2015)	Назорат гуруҳи (2014-2015)	Тажриба гуруҳи (2015-2016)	Назорат гуруҳи (2015-2016)	Тажриба гуруҳи (2016-2017)	Назорат гуруҳи (2016-2017)	Жами
ЎзДЖТУ	56	50	54	52	50	48	310
СамДЧТИ	48	46	48	48	46	48	284
Навоий ДПИ	50	50	48	46	44	46	284
ТерДУ	48	50	50	48	46	46	288
Жами	202	196	200	194	186	188	1166

Экспериментал танлама миқдори 2014-2015 ўқув йилида тажриба гуруҳларида – 202 нафар, назорат гуруҳларида – 196 нафар талаба, 2015-2016 ўқув йилида тажриба гуруҳларида – 200 нафар, назорат гуруҳларида – 194 нафар талаба ҳамда 2016-2017 ўқув йилида тажриба гуруҳларида – 186 нафар, назорат гуруҳларида – 188 нафар талаба иштирок этди. Жами 1166 нафар талабадан тажриба гуруҳларида – 588 нафар талаба, назорат гуруҳларида – 578 нафар талабалар ташкил этди (5-расмга қаранг):



5-расм. Экспериментал танлама миқдори

Ишлаб чиқилган инновацион технологиялар ёрдамида оғзаки ва ёзма нутқ машғулотлари ўқув жараёнида табиий шароитларда ўтказилди. Лексик бирликларни қўллаш нутқ лексик кўникмасини шакллантиришда, ўргатувчи машқлар тизими асосида чет тиллар нутқ лексик томонини сифатини оширишга тўғри келадиган ва муомала ҳолатларида, тил воситалари билан мулоқот қила олишини ривожлантиришни тақозо қилади.

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари давомида тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларининг инновацион таълим технологиялари ёрдамида инглиз тили кўникмаларини такомиллаштирганлик даражалари 2014-2015, 2015-2016 ва 2016-2017 ўқув йиллари учун тажриба-синов олди ва тажриба якуни бўйича натижалар умумлаштирилиб, *баҳолаш* мезонига кўра, қуйидагича баҳоланди:

1. «*Аъло*» *баҳо* – инновацион таълим технологияларининг назарий ва амалий аҳамиятини чуқур ва атрофлича таҳлил этган ҳолда, тил кўникмалари бўйича топшириқларнинг хатоларсиз пухта бажарилган жавобга қўйилди.

2. «*Яхши*» *баҳо* – инновацион таълим технологияларининг назарий ва амалий аҳамиятини тушунган ҳолда, тил кўникмалари бўйича топшириқларнинг баъзи камчиликлар билан бажарилиш ҳисобига қўйилди.

3. «*Қониқарли*» *баҳо* – инновацион таълим технологияларининг назарий ва амалий аҳамиятини тор маънода тушуниш, тил кўникмалари бўйича топшириқларни чалкашликлар билан жавоб беришга қўйилди.

4. «*Қониқарсиз*» *баҳо* – инновацион таълим технологияларининг назарий ва амалий аҳамиятини тушунмаганлиги, тил кўникмалари бўйича топшириқлар бажарилмаганлиги, берилган саволларга жавоб олинмаганлиги учун қўйилди.


Тажриба-синов майдончаларидаги ўқув йиллари бўйича ўртача самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда ифодаланди (4-жадвалга қаранг):

4-жадвал.

Ўртача самарадорлик кўрсаткичлари

Ўқув йиллари	ЎзДЖТУ	СамДЧТИ	Навоий ДПИ	ТерДУ
	Ўртача самарадорлик кўрсаткичи			
2014-2015	1,14	1,14	1,15	1,14
2015-2016	1,16	1,15	1,16	1,16
2016-2017	1,19	1,18	1,17	1,17

4-жадвал асосида гуруҳларнинг самарадорлик кўрсаткичларининг ўқув йиллари кесимида ўсиш диаграммаси берилган (6-расмга қаранг):



6-расм. Самарадорлик кўрсаткичлари

Тажриба-синов натижалари таҳлили асосида хулоса қилиб айтганда, олиб борилган тадқиқот ишларида амалга оширилган ишлар шуни кўрсатдики, олиб борилган методика тажриба гуруҳига нисбатан самаралироқ эканлигини, шунинг учун тажриба гуруҳларида умумий натижалар назорат гуруҳининг натижаларига нисбатан 13-21% фоизгача ўртача ҳисоблаганда 17 % фоизга ўсганлигини математика статистик усуллар орқали исботланди.

ХУЛОСА

Инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш қуйидагиларни хулоса сифатида айтишга имкон беради:

1. Хорижий тил таълимида инновацион технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари таълим технологиялари тушунчасининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши масаласини таҳлил этилишини тақозо қилади. Инновацион технологияларни фан ва амалиёт билан боғлиқлиги узлуксиз таълим тизимида инновацион шакл ва таълим технологияларини қўллашни таъминлайди.

2. Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш ҳолати таълим жараёнида ўқувчиларнинг тил ўрганиш ва тил эгаллаш, лингвистик компетенцияларини ҳамда анъанавий ўқитиш тизимини ва замонавий ўқитиш технологияларини таҳлил қилишни тақозо қилади.

3. Умумевропа иттифоқи CEFR ҳужжатида коммуникатив компетенциялар тавсифи таълимда фойдаланиладиган материаллар ўрганувчининг компетенцияларини шакллантиришни назарда тутди. Тил (ёки лингвистик) компетенция, социолингвистик компетенция, дискурсив компетенция,

стратегик компетенция, ижтимоий-маданий компетенция ҳамда ижтимоий компетенциялар чет тилини қай даражада билишини таъминлаб беради.

4. Талабалар лингвистик компетенцияларини шакллантириш меъёрий-услубий таъминоти CEFR талаблари даражасида ўргатиш, ўрганиш ва баҳолаш асосини таъминоловчи меъёрий – услубий ҳужжатлар (ДТС, ўқув дастури, ишчи-ўқув дастури)ни таҳлил қилишни тақозо қилади.

5. Компетенцияларга асосланган ёндашув компетенция ва компетентликни фарқлашга имкон беради. Натижада компетенция-талабаларнинг таълим олганлик даражаси олдига қўйиладиган, аввалдан белгилаб қўйилган давлат буюртмаси ҳамда компетентлик-шахсга тааллуқли бўлган мураккаб таълим олганлик, тайёргарлик кўрганлик даражаси бўлиб, талабанинг ривожланиш ва ўз ўзини ривожлантириш жараёнини самарали ва тўғри ташкил этиш имконини берадиган тузилмани ифодалайди.

6. Компетентлик формуласи, лингвистик компетенция тизими, талаба етакчи компетентлигининг таркибий компонентлари, талаба етакчи компетентлигининг манбалари, хорижий тиллар бўйича ОТМ битирувчисининг етакчи компетенцияларининг таркибий компонентлари инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштиришни тақозо қилади.

7. Тажриба-синов натижаларига кўра, янги сўзларни қўллаш талаба нутқининг янада эмоционал бўлишини, лексик такрорланишларнинг олдини олиши, лексик захираси кенгайиши, мулоқот сифати яхшиланишини таъминлаш имкони берди. Тадқиқотда янги сўзлар билан алмаштириш, талабалар коммуникатив лексик малакаларини такомиллаштиришда мақсадли ёндашиш, мулоқот вазиятига мос равишда сезиларли даражада чет тилда нутқ ҳосил қилишни вариатив имкониятларини кенгайишига олиб келади.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСВОЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.27.06.2017.PED.27.01 ПРИ УЗБЕКИСТАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**УЗБЕКИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

КУЛМАТОВ БАХРАМ ГУЛЯМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ОСНОВ
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КРИТЕРИЕВ CEFR В ПРЕПОДАВАНИИ
АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА С ПРИМЕНЕНИЕМ
ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания
(английский язык)**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философских наук (PhD) по педагогике

Ташкент – 2018

Тема диссертационной работы доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/Ped149.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации помещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Ученого совета (www.tdpu.uz) а также на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Бакиева Гуландом Хисамовна**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ризаев Баходир Хайдарович**
доктор филологических наук, профессор

Мисиров Сохибжон Абдупаттаевич
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании ученого совета DSc.27.06.2017.Ped.27.01 по присвоению ученой степени при Узбекском государственном университете мировых языков «___» _____ 2018 г. в _____ часов. (Адрес: 100138, г.Ташкент, Учтепинский район, улица Малая кольцевая дом 21 А. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться на Информационно-Ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (Зарегистрирована за № _____). Адрес: 100138, г.Ташкент, Учтепинский район, улица Малая кольцевая дом 21 А. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 г.

(Протокол реестра № _____ от «___» _____ 2018 г.)

Д.У.Хашимова

Председатель Ученого совета по присвоению ученой степени доктора наук, д.пед.н., профессор

Н.Ж.Исакулова

Ученый секретарь Ученого совета по присвоению ученой степени доктора наук, д.пед.н., доцент

Л.Т.Ахмедова

Председатель научного семинара при ученом совете по присвоению ученой степени доктора наук, д.пед.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировой практике использование в преподавании иностранного языка международных стандартов, модернизация содержания обучения, использование частной методики современных технологий усилило потребность к использованию зарубежного передового опыта в развитии профессиональной компетентности преподавателя. В Европе важное значение имеет проведение научной исследовательской работы по развитию профессиональной компетенции по иностранным языкам, по интеграции компетенций, по созданию взаимного соответствия между стандартными требованиями и учебными программами, адаптации разработанных критериев к используемым стратегиям при изучении других языков.

В мировой практике в развитии профессиональной компетентности студентов по иностранным языкам отдельное значение имеет использование критериев обучения, изучения и оценки английского языка таких навыков как, reading, writing, listening, writing, speaking. С этой точки зрения компетентностный подход объясняет необходимость использования международных стандартов в преподавании с помощью инновационных технологий.

Вопрос глубокого изучения английского и других языков приобретает приоритетное направление. Вместе с тем, определены важные задачи по широкому внедрению по обучению и повышению квалификации других специальностей¹. При этом в повышении профессиональной компетентности и профессиональной деятельности студентов важное значение имеют критерии наглядности и обоснования – «Can do's». А также использование системы CEFR в преподавании английского языка с помощью инновационных технологий.

Данная исследовательская работа служит осуществлению Указа Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года, Постановления «О мерах дальнейшего развития системы высшего образования» ПК-2909 от 20 апреля 2017 года, постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 124 «Об утверждении государственных образовательных стандартов по преподаванию иностранных языков в системе непрерывного образования» от 8 мая 2013 года, Постановлений Президента Республики Узбекистан ПК-1875 «О мерах дальнейшего совершенствования системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года, а также осуществлению задач, определенных в других нормативно-правовых документах.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Диссертация выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий в республике: I. «Духовно нравственное и культурное развитие

¹ Обращение Президента Республики Узбекистан к Олий мажлису от 22 декабря 2017 года // Правда востока, 23 декабря 2017 го.. – № 248 (28706). – С. 2.

демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В нашей стране в исследованиях Ж.Жалолова, Г.Боқиевой, Т.Сатторова, Г.Т.Махкамовой, Л.А.Ахмедовой, У.Хошимова, И.Ёқубова, С.Мусинова, Л.Киркхама, М.Т.Ирискулова, Ф.Рашидовой подробно освещены проблемы методики преподавания иностранных языков².

Исследование теоретических вопросов коммуникативной речевой системы, документы CEFR, теоретические аспекты создания методических пособий для каждого этапа разработаны Д.Косте, Б.Норт, Ж.Трим, М.Канэл и Н.Свейном.³

Роль учебно-методических комплексов в изучении иностранных языков и портфель европейских языков были изучены Д.Ж.Тримом, Н.Сэвиллом, М.Милановичом, Н.Джоунзом, Н.Халифой и другими исследователями⁴.

Н.Сэвилл, Яр.Хоки, Б.Сполски, Д.Стивелсон, П.Стори, Н.Фигеряс, Б.Норт, С.Такала, Н.Верхелст, П. Ван Авермет анализировали теоретические и практико-методические вопросы соответствия требований экзаменов по IELTS, TOEFL, Cambridge ESOL критериям CEFR⁵.

Адаптацию дискурсного материала на CEFR и создание на его основе портфель английского языка изучали А.Саламура, Н.Севилл, Х.Халифа и С.Уейр, Б.Норт, Г.Шнайдер, Ф.Кафтанджиева и С.Шоу исследовали оценку степень овладения английского языка обучаемых по различным видам

